ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

«МАКРОИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

# "ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР"

**МАВЗУСИДАГИ**

*Республика илмий - амалий конференцияси*

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**I- ҚИСМ**

**2016 йил 12 март**

**ТОШКЕНТ – 2016**

# МУНДАРИЖА


Кириш ............................................................ 3


## КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯЛПИ ЙИҒИЛИШИ МАЪРУЗАЛАРИ


Болтабоев М.Р. Ҳудудий индустриал зоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш - барқарор иқтисодий ўсиш омили ........ 4

Файзуллаев Я.Ш., Насриддинов Ф.Ф. Устойчивое развитие экономики Узбекистана: концептуальные основы, принципы и цели ........ 9

Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг методологик жиҳатлари ........ 14

Беркинов Б.Б. Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш йўналишлари ........ 22


## 1-ШЎЪБА. МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ


Бегалов Б.А. Иқтисодий ўсишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг тутган ўрни ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ........ 27

Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим масалалари ........ 32

Махмудов Н.М. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши тенденциялари ва унинг институционал омиллари ........ 35

Рустамов Ш.И., Аскарова М.Т. Институционально - правовые аспекты привлечения зарубежных инвестиций в экономику Узбекистана ........ 38

Зокиров Д.Э., Махмудов Н.М. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати ........ 43

Абдурахимов И., Ахмедов У.Қ. Қишлоқ уй хўжаликларини институционал ривожлантириш йўналишлари ........ 45

Джўраева С. Қ. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш йўллари ........ 48

Джўраева С. К. Иқтисодий ўсишни жадаллаштириш омиллари ........ 51

Бадалов Ш.Дж. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатига таъсир этувчи омиллар ........ 54

Кудияров П.А. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини бошқаришнинг институционал ислоҳотлари ........ 56

Мажидов Ж.К. Барқарор макроиқтисодий ўсишни таъминлашда банк тизимининг ролини ошириш йўллари ........ 59

Касимова З.М. Формирование культуры социально ответственного бизнеса веление времени ........ 61

Муратова О.М., Рахмонкулова Г.М. Малый бизнес как качественно определенный общественный институт ........ 64

Кўчқоров Х., Абидкариев А.М. Ўзбекистонда иқтисодий ва институционал ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари ........ 66

Rajabov O., Sindorov B. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishdagi institutsional islohotlar: "Yagona darcha" tizimi ........ 71





Файзиева Ш.Ш., Носиров Э.Б. Ижтимоий соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тамойиллари ........ 75

Турсунова Н.Х. Институциональная среда малого предпринимательства ........ 78

Каримова Ш.Ж., Хашимова С.Н., Мамажонов О.Р. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ........ 80

Ибодуллаева М.Т. Ўзбекистонда макроиқтисодий ривожланишнинг замонавий ҳолати ва тенденциялари ........ 82

Тоймухамедов И.Р., Карабаева Д.И. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик корхоналарини банк томонидан кўллаб – қувватлашни такомиллаштириш йўллари ........ 84

Тоймухамедов И.Р., Карабаева Д.И., Асқарова М.Т. Ўзбекистон миллий тўлов тизимини тартибга солиш ҳолати ва унинг ривожлантириш истиқболлари ........ 89

Шералиев Ж.Ж. Монетар сиёсатни амалга оширишнинг макроиқтисодий ривожланишга таъсири ........ 93

Асқарова М.Т., Ҳакимов Ҳ.А. Макроиқтисодий сиёсат йўналишларини такомиллаштириш - иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш омили ........ 98

Ўрмонов Н.Т., Эрназаров Г.Б. Институционал ислоҳотлар ва ишбилармонлик муҳити ........ 103

Ismoilov I.M., Eshpo'latova H.M. O'zbekistonda erishilgan makroiqtisodiy mutanosiblik va iqtisodiy o'sish tendensiyalari ........ 109

Ураков Т.М. Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида инвестицион сиёсат ва инвестиция ........ 115

Қаххорова З.А. Ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг асосий омиллари ........ 119

Бобоев А.Ч., Латипова Н.М. Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш тенденциялари ........ 121

Ашурова Х.Ҳ. Ахборот-коммуникация соҳасига инвестиция жалб этиш йўналишлари ва институционал асослари ........ 123

Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида институционал инфратузилмаларнинг ривожланиши ........ 125

Raxmatov D.N., Xaydarova S. S O'zbekistonda erishilgan makroiqtisosiy mutanosiblik va iqtisodiy o'sish tendensiyalari ........ 130

Исхаков А.К., Джураев Х.З. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда инновацион жараёнлар ривожланишининг хусусиятлари ........ 133

Салахов С.Н. Роль пресс-служб государственных органов в создании институционального механизма повышения инвестиционной привлекательности Республики ........ 135

Radjabova N. Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohotlarni chuqurlashtirishning asosiy yo'nalishlari ........ 144

Расулова И.А., Атамуратов А.Р. Тенденция развития макроэкономических показателей в инновационной сфере ........ 146

Mahmudov N.M., Abdurahimov I. O'zbekiston Respublikasida pul-kredit siyosati va uni takomillashtirish yo'llari ........ 150

Мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлайдиган корхоналарни, мева-сабзавотларни сақлаш иншоатларини барпо этишга катта эътибор қаратилди. 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона,77800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди[11]. Натижада аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 1990 йилдаги 31 килограмдан 2015 йилда 42,5 килограмга (138,7%), шу даврда сут маҳсулотларини истеъмол қилиш 183 кг.дан 266,4 кг.га(145,6%), тухум 97 донадан 230,4 донага (238%), сабзавот-полиз маҳсулотлари 107 кг.дан 285 кг.га (266%), картошка 29 кг.дан 57 кг.га (196,6%), узум, мева истеъмоли 23 кг.дан 145 кг.га (630%) ўсди[12].

Шуни таъкидлаш лозимки, эришилган ютуқларга қарамасдан,озиқ-овқат маҳсулотларини "даладан дастурхонга" схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. Бунга сабаб республикамиз минтақаларида қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш паст даражадалидир. 2014 йилда **мева** маҳсулотларини қайта ишлаш Хоразм вилоятида 6,6%ни, Бухорода 8,2%ни, Андижон ва Фарғона вилоятларида 10,9 %ни ташкил этган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида умуман қайта ишланмаган. Сабзавотни қайта ишлаш Қорақалпоғистон Республикасида 2,3%ни, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида 5,6%ни, Хоразмда 6,3%ни, Жиззахда 6,7%ни ташкил этган. Узумни қайта ишлаш Навоий вилоятида 4,4%ни, Хоразмда 6,7%ни, Фарғонада 9,5%ни ташкил этган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида умуман қайта ишланмаган[13].

Шу боисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада тўлароқ ва узлуксиз таъминлашни яхшилаш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб берди:

-хомашёни, жумладан қишлоқ хўжалиги хомашёсини жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтиш;

- 2020 йилгача пахта етиштириш ҳажмини 350000 тоннага қисқартириш ҳисобидан бўшаган 170500 гектар суғориладиган ерларга сабзавот, картошка, озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа экинларни экиш, боғ ва узумзорлар барпо этиш;

-2020 йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4%га ошириб, унинг ҳажмини 8500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35%га, сабзавотни

[11] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза// Халқ сўзи. 2016 йил 16январь.

[12] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

[13] Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.



30%га, мева ва узумни 21,5%, гўшт етиштиришни 26,2%га, сутни 47,3%, тухумни 74,5% га, кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш. Шунингдек, ана шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш[14].

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республика қишлоқ хўжалиги таркибий тузилишини ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш лозим бўлади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратиш;

- зараркунандалар ва касалликка чидамли, тезпишар ва юқори ҳосилдор қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари билан таъминлаш;

- минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, зараркунандаларга қарши биологик ва воситалардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш;

-қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда илғор технологияларни қўллаш орқали сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

-қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларидан мақсадсиз ва хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўриш ҳамда ерлардан ёмон фойдаланиш оқибатида уни яроқсиз ҳолатга келтирган субъектларга нисбатан қатъий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

**Махмудов Н.М., иф.д. проф., ТДИУ**
**Рустамов Н.И., КИХИ, ТДИУ**

## Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши тенденциялари ва унинг институционал омиллари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ҳажми ошиши ва макроиқтисодий кўрсаткичларнининг барқарор ўсиши таъминланмоқда. Президент И.А. Каримов таъкидлаганларидек: "Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади"[15].

[14] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза// халқ сўзи. 2016 йил 16январь.

[15] Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь.

2015 йил якунлари бўйича иқтисодиётва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларигаэришилди. Мамлакатимизда 2015 йилда ва ундан олдинги йилларда ялпи ички маҳсулот барқарор ўсиши кузатилди ва унинг тенденциялари 1-расмда келтирилган.




**1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишитенденциялари**(% да)

Мамлакатимизда ЯИМ ўсиши суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръати бироз пасайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2007 йилдан буён ЯИМнинг8 %дан кам бўлмаган барқарор ўсиш даражасига эришилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулотўсишининг тенденцияларини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:

1-босқич. Пасайиш йиллари. Бу 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврлар оралиғида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўзгариши суръатлари 88,9 % дан 99,1 % гача оралиқда бўлди.

2-босқич. Барқарорлашиш йиллари. Бу 1996-2003 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ялпи ички маҳсулот ўсиши 101- 105,2%оралиғида бўлди.

3-босқич. Юқори ўсиш суръатлари таъминланган йиллар. Бу 2004 йилдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур йилларда ялпи ички маҳсулот ўсиши 107,4 % дан 109,5 % гача оралиқда бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида эришилган ялпи ички маҳсулот ўсишитенденцияларининг таъминланиши иқтисодиётни структуравий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажми юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки иқтисодиётнинг таркибисифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- 2015 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 83,0 % бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда карийб 100% нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;



- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5 % ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 56,7% га етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилдаги 16,3% дан 2015 йилда 54,5% га ўсди;

- 1991-2015 йиллар мобайнида ЯИМда саноатнингулуши уч баробарга, яъни 11% дан 33,5 % га ўсди;

- 1991 йилда экспорт таркибининг 90%ини хомашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 73%тайёр маҳсулотларни ташкил этишади.

Ўзбекистон иқтисодиётида тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини таҳлил қилиш асосида мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг асосий омилларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади (1-жадвал).

1 -жадвал

**Ўзбекистонда ЯИМ тармоқ таркибининг ўсиш суръатлари** (фоизда)[16]

| **Кўрсаткичлар** | **2010 йил** | **2011 йил** | **2012 йил** | **2013 йил** | **2014 йил** | **2015 йил** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ялпи ички маҳсулот** | **108,5** | **108,3** | **108,2** | **108,0** | **108,1** | **108,0** |
| Унда кичик бизнеснинг улуши | 52,5 | 54,0 | 54,6 | 55,8 | 56,0 | 56,7 |
| Саноат маҳсулотлари | 108,3 | 106,3 | 107,9 | 109,6 | 108,3 | 108,0 |
| Истеъмол товарлари | 112,0 | 111,0 | 107,8 | 114,7 | 109,4 | 109,7 |
| Қишлоқ хўжалиги | 106,8 | 106,6 | 107,0 | 106,8 | 106,9 | 107,0 |
| Хизмат кўрсатиш | 113,1 | 113,2 | 114,2 | 114,6 | 116,1 | 116,6 |
| Қурилиш ишлари | 108,1 | 108,5 | 113,7 | 116,6 | 118,3 | 118,0 |
| Чакана савдо айланмаси | 114,7 | 116,4 | 113,9 | 114,8 | 114,3 | 115,1 |

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишида ва унинг тармоқ такриби такомиллашиб боришида институционал омилларнинг, жумладан, жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий вазият ҳамда мамлакатдаги қулай сиёсий, институционал-ҳуқуқий муҳитнингижобий таъсири юқори бўлмоқда.Хусусан, бу иктисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш орқали рўй бермоқда.

Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва корпоратив бошқарув соҳасини такомиллаштириш бўйича 2015 йил 15 май "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4725-сонли Фармон,2015 йил 28 апрелда "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2340сонли Қарор ва 2015 йилнинг 24 апрелида имзоланган "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини

[16] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сонли Фармонлар муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришда 2012 йилда қабул қилинган "2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури" ва 2013 йил 17 апрелдаги "2013 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1957-сонли Қарорлар ўзининг улкан ҳиссасини қўшмоқда.

Саноатни ривожлантиришда 2015 йил 11 февралда "2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида" ПҚ-2298-сонли Қарор ва 2015 йил 4 мартда "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПФ-4707-сонли Фармон қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758 сонли Қарори билан тасдиқланган "2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш Давлат дастури" ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-2460-сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг институционал асослари такомиллаштирилиб, қулай бизнес юритиш муҳитини яратиш учун юқорида келтирилган ва бошқа кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга ёрдам беради ҳамда бу мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига ва аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади.

**Аскарова М.Т., к.э.н., доцент,**
**Зав. Каф. Макроэкономика ТГЭУ**
**Зокиров Д.Э., магистрант,ТГЭУ**

## Институционально - правовые аспекты привлечения зарубежных инвестиций в экономику Узбекистана

За годы независимости в Республике Узбекистан создан благоприятный инвестиционный климат, широкая система правовых гарантий и льгот для иностранных инвесторов, разработана целостная система мер по стимулированию деятельности предприятий с иностранными инвестициями. Инвестиционное законодательство Республики Узбекистан

является одним из передовых в системе законодательства стран СНГ, вобрав в себя основные положения международного инвестиционного права, в частности, положения о гарантиях прав иностранных инвесторов, предоставлении определенных преференций для инвесторов и другие.



Основой правового регулирования в области привлечения иностранных инвестиций в Республике Узбекистан являются: Закон «Об иностранных инвестициях» № 609I от 30.04.1998 г., Закон «Об инвестиционной деятельности» № 719I от 24.12.1998 г., Закон «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов» № 611 от 30.04.1998 г., а также ряд указов Президента и постановлений Правительства Республики Узбекистан.

Законом № ЗРУ365 от 20.01.2014г. в вышеуказанные акты были внесены некоторые изменения. Ежегодно в Узбекистане Постановлением Президента утверждается Инвестиционная программа. В целях привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику, в Узбекистане созданы 3 особые экономические зоны: Свободная индустриально-экономическая зона в городе Навои (СИЭЗ «Навои»), Специальная индустриальная зона в г. Ангрен (СИЗ «Ангрен») и Специальная индустриальная зона в г. Джизак (СИЗ «Джизак»).

На Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан возложены функции по формированию единой базы инвестиционных предложений для привлечения иностранных инвестиций и кредитов, поиска потенциальных иностранных инвесторов, доведения до них необходимой информации по предлагаемым к реализации проектам, а также оказания содействия хозяйствующим субъектам в оформлении достигнутых договоренностей с иностранными инвесторами и кредиторами. При Министерстве действует Агентство по информационному обеспечению и содействию иностранным инвестициям «Узинфоинвест». Данная организация призвана обеспечить информирование деловых кругов об инвестиционном климате в стране и оказывать содействие в реализации инвестиционных проектов.

Выступая 15 января 2016 года на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан, Президент И. Каримов отметил, что в 2015 году В рамках реализации Инвестиционной программы освоено в эквиваленте 15,8 млрд. долл. США капитальных вложений с ростом на 9,5% процента по сравнению с 2014 годом. Из общего объема освоенных капитальных вложений иностранные инвестиции составили свыше 3 млрд. долл. США, из них более 73%, или 2,2 млрд. долл. США – это прямые иностранные инвестиции.[17]

В 2015 году в рамках Инвестиционной программы за счет всех источников финансирования завершена реализация 158 проектов производственного направления общей стоимостью около 7,4 млрд. долл. США.[18]

С момента создания СИЭЗ «Навои» на ее территории введены в эксплуатацию производства по 19 инвестиционным проектам на общую сумму свыше 100 млн. долл. США. На основе высоких технологий

[17] Доклад президента республики узбекистан ислама каримова на расширенном заседании кабинета министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год. http://press-service.uz/ru/news/5226/

[18] смотреть там же